ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИ

Ҳ.М.Журабекова

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг амалга оширилаётган модернизация жараёнини ўрганишга бағишланган. Аҳолининг демократик ўзгаришлардаги иштироки кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: *маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти*

Статья посвящена изучению процессов модернизации после обретения независимости в Республике Узбекистан. Рассматривается вопрос участия населения в демократических проебразованиях.

Ключевые слова: *органы местной власти, махалля, органы самоуправления, гражданское общество.*

The article is devoted to the study of the process of modernization after gaining independence in the Republic of Uzbekistan. It also considers the question of participation of ordinary people in the democratic transformation of the society.

Key words: *local authorities, mahalla, governments, civil society.*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида мамлакатни модернизациялаш борасида миллий анъаналаримиз ва жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган давлатлари илғор тажрибасини уйғунлаштирган ҳолда янги жамият барпо этишнинг ўзига хос моделини яратди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ маҳаллий ҳокимият органларининг мустақил Ўзбекистон шароитига мос келадиган шаклини вужудга келтиришда И.А.Каримовнинг “... республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш ... лозим бўлади” [1.45]

деган кўрсатмасига амал қилинди. И.А.Каримов яна "... ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди", дея таъкидлайди [2.8].

Ўзбекистонда мустақиллик даврида қайтадан шакллантирилган юқори органлар ваколати доирасидаги вазифаларнинг баъзиларини маҳаллий ижро ҳокимияти органларига ўтказиш муаммолари номарказлаштиришнинг муҳим узви бўлиб, бу жараённинг ҳаётга татбиқ қилинишида ривожланган давлатларнинг илғор ва синалган тажрибасини ўрганиш, уларни мамлакатимиздаги шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалда жорий этиш ҳозирги даврдаги энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш масалаларининг ҳозирги даврга келиб долзарблик ва устуворлик касб этишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

биринчидан, бугунги кунга келиб юртимиздаги ислоҳотларнинг биринчи босқичи натижалари давлатимизга, жамиятимизга янги имкониятлар яратди. Шу билан бирга, жамият ҳаётида фуқаролар фаоллиги ва сиёсий онгининг ошиши, сиёсий тизимнинг ислоҳ қилиниши маҳаллий ҳокимият тизимини янада ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, унинг жамият олдидаги ролини янада оширишни талаб қилди;

иккинчидан, мамлакатимизда изчил олиб борилган иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари ўлароқ, халқ хўжалигининг барча соҳаларида иқтисодий ўсиш ўз самарасини берди. "Ўзбек модели" деб тан олинган ривожланиш стратегиясининг меваси сифатида мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариш маҳсулотининг ўрта ҳисобда 7-9 фоизга ўсиши кузатилди, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижобий кўрсаткичларга эришилди. Бу ўз навбатида, давлат бюджетини профицитга олиб келди, олтин-валюта заҳираларининг ўсишига, банк молия тизимидаги барқарорликнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш ғояси Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.Каримовнинг ушбу соҳадаги қатор Фармон ва Қарорларида, шу билан бирга, кўпгина асарларида, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ўз аксини топган.

Иккинчидан, И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ушбу ғоялар мамлакатимизнинг кўпгина олимлари ҳамда хорижий мутахассислар томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, бу тадқиқотлар натижалари кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида, илмий адабиётларда, рисолаларда, соҳа журналларида чоп этилган.

Давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш асосида маҳаллий ҳокимиятнинг самарадорлигини ошириш назарияси ва амалиётини илмий таҳлил этишга доир жаҳон тажрибасига назар солсак, бу борада В.Роналд, С.Пауль, Жон Стюарт Милль, Т.Парсонс, Р.Арон, Фридрих фон Хайек, Вильгельм фон Гумбольдт, Алексис де Токвиль, Бенжамен Констан, Д.Истон, Г.Алмонд, Р.Даль, К.Дойч, С.Хантингтон, Г.Лассуэл, Э.Дюркгейм, В.И.Васильев, В. Романюк, Т.Фаллети, М.Мураматсу, В.Китамура, Л.Аренд, Р.Аквуа, Г.Холлис, К.Плоккер каби олимлар бу соҳада чуқур илмий мерос қолдирганини кўрамиз.

Хорижий олимлар томонидан бу соҳада илгари сурилган ғояларда маҳаллий ҳокимиятни номарказлаштириш жараёни аниқ бир стандарт кўринишда бўлмаслиги таъкидланади. Шунинг билан бирга, ушбу жараённинг асосий мақсад ва вазифалари, услуб ва тажрибалари ҳар бир ҳудуднинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши керак.

Ўзбекистонда давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишнинг у ёки бу муаммоларини тадқиқ этган сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлардан А.Орипов, Б.Жўраев, А.Бегматов, С. Долиев, Р.Мадиримов, О.Ҳусанов, М.Қирғизбоев, Р.Жумаев, Ш. Жалилов, Ф.Мусаев, М.Қориева [5] каби олимларнинг илмий ишлари ва мақолалари эълон қилинган. Олимларимиз томонидан маҳаллий ҳокимиятнинг ҳуқуқий, ташкилий масалалари ва муаммоларига, Ўзбекистонда изчил давом этаётган барча соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг иштироки, уларнинг ислоҳотларни ташкил этишга янгича ёндашуви ва давр талабларидан келиб чиқиб шаклланган тажрибалар таҳлилига кенг эътибор қаратилган. Айниқса, турли ҳудудларда жамоатчиликнинг ўзини ўзи бошқаришини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда мустақиллик ва сиёсий суверенитет шароитида турли даражадаги сайловларни демократик ва тўғридан-тўғри ташкил этиш ва ўтказиш масалалари ҳам кенг ёритилган.

Давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш масаласи жаҳоннинг йирик институтлари (World Bank, ADB, Tacis ва бошқалар) томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, бу жараён бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Юртимизда маҳаллий ижроия ҳокимият органларини давр талаби ва фуқаролар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, ҳокимият органлари ва унда фаолият кўрсатаётган давлат хизматчиларининг аҳоли олдидаги ролини янада кўтариш, мустақил давлатимизни тубдан янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни мамлакат ҳаётига кенг татбиқ этиш, бу ислоҳотларни жамиятнинг қуйи бўғинигача етиб боришини таъминлаш, уларнинг амалга оширилишида жамиятнинг ҳар бир аъзоси тушунган ҳолда фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқароларнинг ўзлари ҳам иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Ўз ўрнида, бошқарувнинг бутун масъулияти марказий органлар зиммасида бўладиган марказлашган ёндашувга барҳам берилиб, бундай амалиёт номарказлашган бошқарув модели билан алмаштирилиши лозим.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси билан бўлган “Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин” деб номланган суҳбат чоғида, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказилишининг олдини олиш воситалари тўғрисида фикр юритаркан, И.А.Каримов: “Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар – халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин” [3.229-230],- деган фикрларни илгари сурган эди.

Бугунги кунда ўтмишдагидан фарқли ўлароқ, кишилик жамияти давлатга эмас, аксинча, давлат жамият манфаатларига хизмат қилиши устувор вазифага айланди. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун самарали сиёсий тизим ва демократик давлат механизми қарор топтирилиши лозим. Ана шу механизмнинг таркибий қисмлари сифатида жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади.

Истиқлол йилларида асрлар давомида шаклланган, халқимизнинг урф-одатларини, миллий анъаналарини ўзида сақлаган, шарқ халқларига хос жамоа фикрига таяниб иш кўриш ва жамоани бирлаштириш учун хизмат қилган ижтимоий тузилма – маҳалланинг жамиятимиз ҳаётидаги мавқеини янада юксалтириб, унинг қонуний ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий шароитларини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Маҳалла ўзбек миллий тараққиёт моделининг таркибий йўналишларидан бири сифатида қабул қилинди. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва уларнинг таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди. Мустақиллик йилларида маҳалла институти турли синовларда тобланди. Унинг шакли, фаолияти мазмуни, маҳалла хизматчиларига бўлган талаб, уларга берилган имтиёз ва имкониятлар доираси кенгайди. Ўз ўрнида фуқароларда маҳаллага бўлган ишонч ҳам ортиб борди. Аста-секинлик билан маҳалла фуқаролар йиғинига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатидаги баъзи функцияларнинг ўтказилиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда маҳалланинг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, тиббий ва ҳуқуқий ҳаётига оид тадбирлар, учрашувлар бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкилотчилигида ҳамкор ташкилотлар иштирокида амалга оширилмоқда.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидай, «Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчасини Конституциямизга киритиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради” [4.59]. Ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Шарқ мамлакатларида жамоа бўлиб яшаш ва жамоа фикрига таяниб иш кўриш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўзбекона оилалар учун қўни-қўшнилар, маҳалладошлар манфаатларини ҳам кўзда тутиб қарор қабул қилиш ўзига хос қадриятдир.

Асрлар давомида шаклланиб, ўзбекона демократиянинг ўзига хос белгиларини ўзида акс эттирган маҳалла тизими халқ билан давлат ҳокимияти органларини боғлаб турувчи, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг ҳал этилиши йўлида хизмат қилувчи фуқаролик институтига айланди.

Қонунга мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари(оқсоқоллари) икки ярим йил муддатга сайланадилар.

Янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонун талаблари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси(оқсоқоли)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби янада мустаҳкамланиб, фуқаролар томонидан бу жараёнларга масъулият билан ёндашиш механизми яратилди. Маҳалла институтига мустақилликнинг дастлабки йилларида фуқаролар томонидан маҳаллий ҳокимият топшириғини бажарувчи бир қуйи орган сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари маҳаллани бир жамоага бирлаштириб, унинг муаммоларини ҳал этиш борасида ҳудудда яшовчи ҳар бир фуқарони жамловчи масъулиятли бир вазифани бажараётганларини ҳар бир фуқаро тушуниб етди.

Амалдаги қонунчилик асосида 2016 йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла раислари ва маслаҳатчиларининг сайловлари ўтказилди. Сайловларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш бўйича ҳар бир шаҳар ва туманда депутатлар, олимлар ва фаол фуқаролардан иборат сайловларни ўтказилишига кўмаклашувчи ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Оммавий ахборот воситалари томонидан бу жараённинг қонунийлигини, уларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилди. Маҳалладаги кўп муаммоларнинг тўғри ечимини топиш, ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиларининг аҳамияти катта эканини тушуниб етган аҳоли ушбу жараёнга жиддий ёндашди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) лавозимига ҳудудни яхши биладиган, маҳалла аҳли ўртасида ҳурматга эга, аҳолини жипслаштира олиш қобилияти бор, ҳалол ва виждонли инсонлар номзодлари кўрсатилди. Натижада ўтказилган сайловларда 9 минг 764 фуқаролар йиғини раислари сайланди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) маслаҳатчиси лавозимларига эса 105 мингдан зиёд маҳаллада ҳурматли бўлган инсонлар сайланди. Сайланганларнинг 67 фоизи биринчи марта сайландилар. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ёшига ҳам алоҳида эътибор берилиб, 40 ёшгача ёшлар 9,1 фоизни, 40 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар эса 54,3 фоизни ташкил этди. Ўтказилган сайловлар фикрлар хилмахиллиги, кўрсатилган номзодларнинг дастурлари эшитилиб, таҳлил қилиб, шундан сўнггина муносиб номзодларга овоз берилиши билан илгариги сайловлардан тубдан фарқ қилди. Бу эса юртимиз фуқароларининг мустақил тараққиётимизнинг 25 йили давомида ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий билимлари сезиларли даражада ортганини кўрсатди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш, босқичма-босқичлик тамойили асосида қонун устуворлиги ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш жараёни келажакда фуқаролик жамияти институтларини янги сифат даражасига кўтариш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришни талаб этади. Бу вазифаларни амалга ошириш эса жамиятнинг ҳар бир фуқаросига юксак ҳуқуқий маданият, билим ва салоҳиятга эга бўлиш, амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш масъулиятини юклайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1.- Т.: Ўзбекистон, 1996.- 358 б.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.- Т.: Ўзбекистон, 2010.- 56 б.

3. Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин.// Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7.- Т.: Ўзбекистон,1999.- 393 б.

4. Каримов. Юксак маънавият − енгилмас куч.Иккинчи нашри.- Т.: Ma’naviyat, 2010.- 176 б.

5. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.- Т.: Шарқ, 1998.- 160 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 4 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. У.Абдуллаев)